

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 124-ҳадис

124 - وعن شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سَيِّدُ الْإِسْتِغْفَارِ أَنْ يَقُولَ الْعَبْدُ: اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوءُ بِذَنْبِي فَاغْفِرْ لِي، فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ. مَنْ قَالَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا، فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُمْسِيَ، فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ، وَمَنْ قَالَهَا مِنَ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا فَمَاتَ قَبْلَ أَنْ يُصْبِحَ، فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ». رواه البخاري.

«أَبُوءُ»: بِيَاءٍ مَضْمُومَةٍ تُثَمُّ وَوَإٍ وَهَمْزَةٌ مَضْمُومَةٌ، وَمَعْنَاهُ: أَقِرُّ وَأَعْتَرِفُ.

Шаддод ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: **«Истиғфорнинг саййиди «Аллоҳумма анта Роббии, лаа илааҳа иллаа анта, холақтани и ва ана ʻабдук ва ана ʻалаа ʻаҳдика ва ваʻдика мастатоʻту, аʻуузу бика мин шарри маа сонаʻту, абууʻу лака би ниʻматика ʻалаййа ва абууʻу бизанбии, иғфир лии фаʻиннаҳуу лаа йағфируз-зунууба иллаа анта», дейишингдир».** Ким буни кундузи чин дилдан айтса ва шу куни кеч кирмасдан вафот этса, жаннат аҳлидандир. Ким буни кечаси чин дилдан айтса ва тонг отмай туриб вафот этса, жаннат аҳлидандир».

Истиғфорнинг маъноси: **«Аллоҳим! Роббим ʻУзингсан. Сендан ʻзга илоҳ йўқ. Мени Сен яратгансан ва мен Сенинг қулингман. Мен қурбим етганича Сенинг аҳду паймонинг ва ваʻдангда турибман. Қилмишларимнинг ёмонлигидан ʻУзингнинг паноҳингга қочаман. Менга берган неʻматларингни ҳам тан оламан, гуноҳларимни ҳам тан оламан. Мени мағфират қилгин, чунки Сенинга гуноҳларни мағфират қиласан».**

Имом Бухорий ривоятлари.

**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан Пайғамбар алайҳиссаломни ҳадисларида гўзал

балоғий услубнинг таълимини кўраимиз. У зот саҳобаларига Роббилари учун шуқр қилишни таълим берганларидек, гуноҳлари учун истиғфор айтишни ҳам ўргатмоқдалар. Шояд Аллоҳ инсонларни гуноҳини кечирса, чунки мағфирати кенг Аллоҳ таоло гуноҳларни кечириб, айбларни яширишга ҳам қодир Зотдир. Кимки ушбу саййидул истиғфор дуосини тонгда ва кечкурун ўқиса, сўнгра вафот этиб, Аллоҳга йўлиқса, у жаннат аҳлидандир деган буюк, умидбахш башоратни севикли Пайғамбаримиз с.а.в. ушбу ҳадислари орқали бутун Ислому умматига эълон қилмоқдалар. Бу ушбу дуонинг нақадар фазилатли ва савоби улкан эканини билдиради.

### **Ҳадисдан ўрганганларимиз**

1. Муслмон киши доим неъматни ва Аллоҳнинг фазли-карамини эътироф этади, иқрор бўлади.
2. Муслмон киши убудиятга ҳақли Зот ва халқ қилишга қодир Зот- якка Аллоҳдир дея эътиқод қилади, иймон келтиради.
3. Муслмон киши қилиб қўйган гуноҳ, ёмонлиги учун Роббисидан истиғфор сўрайди, паноҳ тилайди.
4. Гуноҳларни кечирилишини фақат Аллоҳдан сўралади.

*Аллоҳнинг ёрдами билан ушбу китоб таржимаси 2018/09/12 санада тугади.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

